O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 30 май, шанба • № 42 (11.025) • Эркин нархда сотилади

«Пилла — 98»

ДАСТЛАБКИ ТОННАЛАР

Вилоят туманларида пилла топшириш бошланди

Биринчи бўлиб «Тинчлик» ширкат хўжалиги пиллакорлари ўзлари олиб келган дастлабки ҳосилни топширишга киришдилар. Адхам Аъзамовнинг тарозга қўйган пилласи 80 килограмм тош босди. Муҳаббат Саримсоқова, Абдураззоқ Маҳкамов, Жамила Улхўжаева, Ғулом Эшонқуловларнинг ҳам келтирган пиллалари 70—80 килограммга етди. Топширилган ҳосил фақат биринчи навга қабул қилинди.

— Бугун бош пиллахонамизда иш қизғин, — дейди пиллахона раҳбари Қодир Қоражонов. — Биз бу кунга пухта тайёргарлик кўрдик. Лаборатория, тош-тарозилар, пилла қуритиш ускуналари — ҳаммаси мукаммал. Гарчи баҳор серёғин ва салқин ўтган бўлса ҳам пиллакорларнинг кеча-кундуз қилган меҳнати зое кетмади. Пилла қуртлари яхши парвариш қилинганлиги сабабли ҳосилнинг салмоғи оғир, сифати аъло бўлди. Булардан ташқари пиллакорларга бўнак пуллари олдиндан берилгани ҳам ўзининг самарасини кўрсатди. Туманимиз бу йил 100 тонна юқори сифатли пилла ҳосили етиштиришни режалаган. Пилла терими бошланиши арафасида барча пиллахоналарни кўздан кечириб, ҳосилни салмоқлаб чиқдик. Дастлабки ҳисоб-китоблар етиштирилган пилла шартномада белгиланган 100 тоннадан ҳам кўпроқ тош босишини кўрсатди.

Янгийўл тумани бош пиллахонаси шу куни «Ниёзбош», Назарали Ниёзов номли ва бошқа ширкат хўжаликларидан ҳам пилла қабул қилиб олди.

Вилоятдаги Оққўрғон, Бекобод, Ўртачирчиқ, Чиноз туманлари ҳам пилла терими ва ҳосил топширишни бошлаб юбордилар.

— Бу йил вилоят бўйича 21741 қути қурт уруғлари тарқатилган эди, — дейди вилоят пиллачилик ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш раисининг биринчи муовини Забиҳилла Йўлдошев. — Барча бош пиллахоналар пиллани тўхтовсиз қабул қилиб олиш имкониятларига эга. Мавсумда 1000 тонна пилла тайёрланади. Ҳар бир қути қурт уруғидан 60 килограммдан ҳосил етиштирилади.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

• Дасталардан пилла теришга киришган ҳар бир хонадонда бугун байрам. Бутун оила жамул-жам бўлиб, шу иш билан шуғулланаяпти. Чиноз туманидаги «Гулзоробод» жамоа хўжалиги пиллакори Жамила Маматқулова биринчи куниёқ 30 грамм ипак қурти ҳисобидан 100 килограммдан кўпроқ ҳосил топширишга эришди. Охунбобоев номли хўжаликнинг ёш пиллакори Алишер Худойназаров эса 71, 3 килограмм юқори навли пилла топширди.

Суратларда: Жамила Маматқулова ва Алишер Худойназаров.

Абдужалол РАҲИМОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Тошкент шаҳридаги 28-Чинобод, Бухоро вилоятидаги 58-Жондор, Жиззах вилоятидаги 73-Мирзачўл, Наманган вилоятидаги 87-Бобуршоҳ, 92-Норин, 94-Тўрақўрғон, 95-Шаҳанд, 100-Камарсада, Самарқанд вилоятидаги 119-Пайариқ, Тошкент вилоятидаги 151-Бинокор, Фарғона вилоятидаги 183-А. Қодирий, 92-Ёзёвон, 200-Қудаш, Хоразм вилоятидаги 210-Гурлан, Қашқадарё вилоятидаги 218-Қарши, 227-Косон ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидаги 249-Бердах сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Олий Мажлис депутатларининг сайловини 1998 йил 28 июнь — якшанба кунига тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Муносабат

ЎТГАН йилнинг 29 августи республикамиз тарихига халқ таълимида сифат сари бурилиш тарзида кириши, шубҳасиз. Айни шу куни парламентимизнинг IX сессиясидаги ўз нутқида Президентимиз бу соҳадаги ишларни таҳлил этар экан: «... Ҳолисона баҳо берганда шуни тан олишимиз керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирларимиз бугун ҳаёт талаб қилаётган натижаларни бергани йўқ», «Биз эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан ҳали-бери қутулганимиз йўқ», деб аниқ-равшан фикр билдирди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ: БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Дарҳақиқат, мамлакатимиз халқ хўжалигида рўй берган ўзгаришлар кўламида узлуксиз таълим-тарбия тизимидаги муаммолар талаб даражасида ҳал этилмаганлиги, улар жамиятда бўлаётган янгиланиш жараёнлари билан узвий боғлиқ эмаслиги, моддий базанинг анчагина ночорлиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Ана шундай шароитда таълим тизимини янгича, республикамизга хос моделини яратиш давр тақозосига айланди. Бу шунинг учун ҳам зарурки, умумий ўрта таълимдаги ислоҳотлар замирида ҳар томонлама баркамол, дунёқараши кенг, ҳар қандай йўналишда хорижнинг илғор мамлакатлари мутахассислари билан бемалол мулоқотда бўла оладиган юксак савияли кадрлар тайёрлашга замин яратишдек ва ўрта мактабни битирган ёшларни иш билан таъминлашдек муҳим вазифа турипти.

Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб яратилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун мазкур долзарб масалаларни ҳал этиш йўл-йўриқларини белгилаб берди.

Яқинда республика Вазирлар Маҳкамасининг матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари юқоридаги ҳаётий ҳужжатларни рўёбга чиқаришнинг дастлабки босқичдаги вазифалар ва йўналишларни янада ойдинлаштирди.

— Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисидаги қарор, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда турли фанлар бўйича тажриба ўқув дастурларини синаб берадиган, ўқитувчилари юқори малакали мактабларни белгилаб чиқди. Хусусан, Кибрай туманидаги 16-ўрта мактаб — геогрфия, Оққўрғон туманидаги кўп ихтисосли лицей — биология, Пскент туманидаги 1-ўрта мактаб — она тили ва адабиёт буйича тажриба ўқув дастурларини синаб берини якуний аттестациялашнинг тест усулларини тажриба теширувидан ўтказиш тўғрисида ҳам гап боради. Ҳақиқатдан ҳам ана шу усулларнинг ижобий самараси вилоятимизнинг Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай туманидаги қатор мактаблар фаолиятида аниқ кўринди. 1998-99 ўқув йилида вилоятдаги 89 та умум таълим мактабларининг 50 фоизи ўқувчилар билимини шу усулда синашга ўтадилар. Бу усулни биринчи бўлиб қўллаган қибрайликлар келгуси ўқув йилида ўзларида 100 фоиз тест усулида синашни режалаштирдилар.



Ўқувчиларни касб ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларини ташкил этишнинг муҳимлиги қарорнинг бандларидан бирида ўз ифодасини топганлиги ҳам ўринлидир. Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган ташхис лабораторияси ўқувчилар лаёқатини аниқлаш, уларни қобилиятларига қараб турли ўқув юртларига касбларга радилар. Қарорда 5 — 9 синф ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими ва шу синфлар битирувчиларнинг бирмунча ишлар қилди. Хусусан, ислоҳот талабларига кўра вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртлари вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тизимига ўтказилди ва натижада мавжуд 36-ҳунар билим юрти ёнига педагогика, тиббиёт билим юртлари, техникумлар ҳам қўшилиб 61 та ўқув муассасалари бошқарма ихтиёрида бўлиб қолди. Айни пайтда мазкур тизимда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари очиладиган жойлар, уларга қабул қилинадиган ўқувчилар сони аниқлаб қўйилди. Хусусан, Чирчиқ, Ангрен шаҳарларида 1999 — 2000 йилдан бошлаб касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсата бошлайди. Вилоятда 23 та академик лицей, 213 та касб-ҳунар коллежлари очилади.

— Мазкур қарор, — деди биз билан мулоқотда Қибрай тумани касб-ҳунар лицейининг фахрий ўқитувчиси Кимё Абдуалибекова, — ёшларни чуқур билимли, малакали ҳунар эгалари — мутахассислар бўлиб етишишларида ўзига хос ўрин тутади. Чунки, умумий ўрта таълимдан кейин коллежларда ўқишни ихтиёр қилганлар тақдири фақат Олий ва ўрта таълим вазирлигига ёки Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига боғлиқ бўлиб қолмай, балки, барча вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компаниялар, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ҳам муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Бу эса кадрлар тайёрлаш масаласи умумдавлат сиёсатига айланганлигини кўрсатмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорлари мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан қайта қуриш борасида амалий ишга киришилганидан далолатдир.

Саидвали ҲАСАНОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ҲАФТАНИНГ ҲАР ДУШАНБАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб — қувватлаш тўғрисида»ги фармони асосида Янгийўл шаҳар ҳокимлиги маҳалла қўмиталари иш фаолиятини янада такомиллаштириш чораларини кўрмоқда.

Ҳафтанинг ҳар душанба куни маҳалла қўмиталари оқсоқоллари ва котибларининг йиғилиши ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари ҳам иштирок этишаётир. Хозиргача бундай йиғинларда Ишчилар шаҳарчаси, «Мезон», «Мустақиллик» маҳалла қўмиталарининг оқсоқоллари Раҳматулла Ғойипов, Абдусаттор Абдураҳмонов, Мелибой Солиҳовларнинг ўз маҳаллаларида амалга ошираётган ишлари юзасидан аҳборотлари тингланди. Фикр алмашувлар маҳаллаларни ободонлаштириш, ечимини кутаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш имконини бераётир.

Зуҳра ҲАЙДАРОВА.

ҲОҲЛАСАНГИЗ, ЦЕХ ЯСАТАДИ

БЕКОБОД шаҳри маҳаллаларида аҳоли учун қулайликлар яратишга, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари барпо этишга катта эътибор берилмоқда. Охунбобоев номли маҳалла қўмитаси фаоллари бу борада ибратли ишга қўл уришмоқда.

Шу кунларда хизмат кўрсатаётган чойхона, музқаймоқ, гўшт дўконлари, иккита нонвойхона, тижорат дўконлари хизматидан маҳалла аҳли ҳурсанд.

Яқинда бу ерда янги тикувчилик цехи ишга тушди. Бу ерда аёллар, эркаклар ва болалар кийим-бошлари тикишга буюртмалар олинмоқда. Тўрт нафар тикувчи намунали иш юритаётир.

Абдумурод АШУРОВ.

БИР АСРГА ТЕНГ УМР

ШЎРАЛИСОЙЛИК Ваҳоб ота Мансуров 100 ёшга кирдилар. Яқинда отанинг бир асрлик тўйи нишонланди.

Унда Шўралисой қишлоғининг барча аҳолиси қатнашди. Отанинг катта боғ-ҳовлиси меҳмонлар билан ниҳоятда гавжум бўлди. Янгийўл тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Эркин Холхўжаев Ваҳоб отани туман ҳокимлиги ва «Нуроний» жамғармаси номидан табаррук ёши билан табриклади ва совғалар топширди.

— Умр бўйи деҳқончилик ва боғбонлик билан шуғулландим, — дедилар Ваҳоб ота Мансуров. — Шу касбим рўзғоримни бут, оиламни фаровон қилди. Ҳозир икки ўғил, 20 набира, 50 дан ортиқ чеваралларим бор. Мана шундай узоқ ва бахтли умр бошқаларга ҳам насиб этсин.

САЙЁР СУДДА КЎРИЛДИ

ЯНГИЙЎЛ тумани суди қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилишга йўл қўйган кишиларнинг ишини сайёр суд мажлисларида кўриб чиқишни расм қилди.

Яқинда ана шундай суд мажлисларидан бири Абдулла Ортиқов номли қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди. Унда қорамол ва қўйларини назоратсиз қолдирган, экинларнинг пайҳон бўлишига йўл қўйган кишилар суд қилиндилар. Судья Элвира Сайдаметова уларга жарима солди ҳамда очиқ суд мажлисига тўпланган кишиларга экинларни пайҳон қилишнинг зарарли оқибатларини тушунтирди. Очиқ сайёр суд мажлислари ўтказила бошлагандан кейин ширкат хўжаликлари далаларида экинларни пайҳон қилиш барҳам топди.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.

БОЛАЛАР КЎЗИДА ҚУВОНЧ

Юқоричирчиқ туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг Маданият саройида кеча — 29 май куни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан вилоят тадбири бўлиб ўтди.

Вилоят Болалар жамғармаси, хотин-қизлар қўмитаси, ЭКОСАН, вилоят «Қизил ярим ой» жамиятлари ташкил этган бу тадбирга вилоятимиз меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ва кам таъминланган оиларнинг 400 нафарга яқин фарзандлари таклиф этилдилар. Бу кун уларнинг қалбида бир умрга муҳрланиб қолса ажаб эмас. Чунки шу куни уларга вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, жамоат ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Фақат бугина эмас, улар учун ёзилган тўкин дастурхон ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ҳам эътиборга лойиқдир. Вилоятимизнинг энг яхши профессионал ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари байрамга ўзгача руҳ бахш этди. Шодон, ўйнаб-кулган болалар кўзидаги қувонч мамлакатимизда келажак авлод тўғрисида чинакам ғамхўрлик кўрсатилаётганлигининг яна бир исботи бўлди.

Даврон АҲМЕДОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

СЕССИЯДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

ЭНДИ ФАҚАТ ИШЛАШ КЕРАК

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш изчиллик билан давом этяпти. Республика Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида Ер кодекси, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги ва Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларни кучга киритиш ҳақидаги қонунлар қабул қилингани агросаноат мажмуасида кишиларнинг мулкка эгалик ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, бу масалани янгича асосларда ва ҳозирги талабда ташкил этиш қишлоқ хўжалигида мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратади. Бу қонунлар моҳият эътибори жиҳатдан бир-бири билан узвий боғланганки, уларнинг бирини иккинчисисиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу сабабли бу қонунлар бир вақтда қабул қилинди ва баравар амалга оширилянти.

Республикамиз Президенти сессияда сўзлаган нутқида ушбу қонунларни амалга оширишнинг энг муҳим шартларини белгилаб бердилар. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят вакиллиги Президентимиз қўйган ана шу вазифалар асосида ушбу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чикди ва амалий ишга киришди.

Маълумки, деҳқон хўжалиги ўзига берилган ерда маҳсулот етиштириб, рўзғоридан ортганини бозорга олиб чиқиб сотади ва шу билан давлатнинг юкини енгил қилади. Янги қонунлар асосида уларга суғориладиган ерларда 0,35, лалмикор ерларда 0,5, чўл зонасида бир гектаргача ер берилади. Жумладан, вилоятимизда 1990 йилда шахсий ёрдамчи хўжаликлар 33 минг 563 гектар ерда деҳқончилик қилган бўлсалар, ислоҳотлар сабабли уларнинг ихтиёридаги ер майдонлари деярли бир ярим баробар кўпайиб, 45052 гектарга етди. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ҳам кескин кўпайди. Масалан, бундан саккиз йил олдин ялпи етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмида шахсий томорқа хўжаликларининг улуши 25,4 фоизни, 1996 йилда 54,9 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йил якуни бўйича 71 фоизга етди. Уларда асралаётган чорва моллари бош сони ҳам деярли саккиз баробар кўпайди. Шу кунларда вилоят бўйича сабзавот маҳсулотларининг 68,5, картошканинг 74,5, гўштнинг 89,2, сутнинг 87,5 фоиз қисми шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилаётгани ҳамда вилоятдаги жами қорамолларнинг 75,1, сигирларнинг 82,5, қўй ва эчкиларнинг 62,7 фоиз қисми шулар ҳиссасига тўғри келаётганининг ўзи ҳам деҳқон хўжаликларининг вилоят деҳқончилигида тутган ўрни ва салмоғи нечоғлик катта эканлигини кўрсатиб беряпти.

Қабул қилинган қонунларнинг яна бир адолатли жиҳати шундан иборатки, эндиликда деҳқон хўжаликларининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун билан кафолатлаб қўйилди. Булардан ташқари, бир қатор қулайликлар, чунончи, ер участкасида мустақил ишлаш, етиштирган маҳсулотига ўзи нарх белгилаб сотиш, чекланмаган миқдорда даромад олиш ва самарали фаолият кўрсатишнинг бошқа имкониятлари яратиб берилди. Давлат уларни қўллаб-қувватлаб, йўл, электр ва алоқа тизимларини қуриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш, ер тузиш ва ерларни мелиорациялаш, кичик корхоналар ва уй-жойларни барпо қилиш, уруғлик, техника, кимёвий ҳимоя воситаларини, аралаш озуқа, зотли қорамоллар сотиб олиш, зооветеринария хизмати кўрсатиш ва бошқа кўпгина ёрдам кўрсатишни ҳам ўз зиммасига оляпти.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларига ўтишнинг асосий йўналишлари, жумладан, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, улар негизида деҳқон (фермер) хўжаликлари, ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этиш ҳақида бир қатор қарорлар қабул қилиб, уни изчиллик билан амалга ошириб бормоқда. Бу қарорлар деҳқон(фермер) хўжаликлари ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлди. Шу кунларда вилоятимизда 2764та фермер хўжаликларида 15 минг киши меҳнат қилмоқда.

Шу кунларда фермер хўжаликлари аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда асосий ўрин тутибгина қолмай, Тошкент шаҳри ва вилоятдаги касалхоналар, болалар боғчалари ва уйлари, маҳсус истеъмолчиларнинг 90 фоиз қисмини чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминламоқдалар. Энг муҳими деҳқон ва фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдаги ўрни ва салмоғига бўлган ишонч тобора ортиб бораяпти.

Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатишда қулайликлар яратиш мақсадида туманлараро моддий таъминот базалари ташкил этмоқда. Бундай база ҳозир Қибрай туманида иш олиб бораяпти. Тез кунлар ичида эса Зангиота ва Юқоричирчиқ туманларида ҳам шундай базалар ташкил топади. Улар деҳқон ва фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатибгина қолмай, етиштирган маҳсулотларини сотиб бериш ва бошқа маркетинг хизматларини кўрсатади. Пскент туманида эса деҳқонларга хизмат кўрсатадиган машина трактор парки очилди. Вилоят вакиллиги фермерлар фаолиятини ўрганиш ва тегишли ёрдам кўрсатиш тўғрисида 2000 йилгача мўлжалланган кенг кўламли дастур ҳам ишлаб чиқди. Ушбу дастур асосида жойларда махсус ўқув курслари ташкил этилиб, фермерлар навбати билан уларда билим ва тажрибаларини оширмоқдалар.

Республика Олий Мажлиси сессиясида қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги янги қонунда фермер хўжаликларини ташкил этиш тартиби, ер бериш, ерга эгалик қилиш ва ундан самарали фойдаланиш, фермер хўжаликлари ва уларнинг аъзолари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият асослари, ўзаро ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солиш аниқ ифодалаб берилди.

Янги қонунга биноан фермер хўжаликларига ер эллик йилгача бўлган, лекин ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилади. Фермер эса ўз навбатида ундан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланади. Ижарага олинган ер хусусийлаштирилиши, сотилиши, гаровга қўйилиши, ҳадя қилиниши, айрибошланиши, иккиламчи ижарага берилиши асло мумкин эмас. Бундай шартлар ўз навбатида фермерга ерга бўлган эгалик ҳуқуқини истисно этмай, аксинча мустаҳкамлайди.

Янги қонуннинг ҳозирги кун талабларига тўла мос келадиган асосий жиҳатларидан бири шундаки, эндиликда фермер хўжалиги танлов асосида меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилаётган жойларда ташкил этилади. Жумладан, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари камида 30 шартли бош қорамоли бўлган тақдирда қонуний мақомга эга бўлади. Вилоятимизда ҳар бир шартли бош чорва моли ҳисобига суғориладиган ер майдонларида камида 0,3 гектар, лалмикор ерларда эса икки гектар ўлчамда ер ажратиш кўзда тутилган. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер бўлакларининг ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва деҳқончиликнинг бошқа турлари учун камида бир гектарни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳам Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган қонунлар билан узвий боғлиқ бўлиб, моҳият эътибори жиҳатдан қишлокда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Шу йил 27 апрелда республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг таъсис съезди бўлиб ўтди. Унда деҳқон ва фермер хўжаликларини ўзида бирлаштирган шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг номи ўзгартирилиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, вилоят ва туманларда эса уюшманинг вакилликлари деб аталадиган бўлди. Вакилликлар энди барча деҳқон ва фермер хўжаликларини ўзида жамлаб, давлат ташкилотларида ва бошқа ташкилотларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Эндиликда фаолият доираси анча кенгайган уюшма вакилликлари деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, ердан қандай фойдаланаётганликларини ўрганиш, қўшимча тарзда ер ажратиш ёки қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйиш тўғрисида таклифлар киритиш, шартнома асосида уруғликлар, ўғит, кўчат, маҳсулдор моллар ва бошқа ресурслар билан таъминлаш, технология, транспорт, юридик, ахборот, маркетинг ва бошқа хизматлар кўрсатиш, етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишга ёрдам бериш, кредитлар, шу жумладан, хорижий кредитлар олишлари учун маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар изчиллик билан давом этяпти. Республика Олий мажлиси сессиясида қабул қилинган қонунлар деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳар томонлама тараққий эттириш учун барча имконият ва имтиёзларни берди. Олдинда турган энг муҳим вазифа эса ушбу қонунларни изчиллик билан амалга ошириб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда деҳқон ва фермер хўжаликларининг салмоғи, ўрни ва аҳамиятини таъминлашдан иборат.

Абдуқаҳҳор ҚУРБОНОВ,
республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг вилоят вакиллиги раҳбари.

ИПАК ЙЎЛИ ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Мамлакатимизда иқтидорли ёшлар ижодини ривожлантириш ва уларнинг асарларини тарғиб этишга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон бадиий академияси кўргазмалар залида очилган «Буюк ипак йўли дўстлик риштали — Ўзбекистон ва Япония болаларининг ранго-ранг олами» мавзуидаги кўргазмаси ҳам шундан далолатдир. У бадиий академия ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилди.

Республикамизнинг ижодкор ёшлари ўзлари чизган турфа расмлар билан Японияннинг Ногое шаҳрида ўтказилган кўргазмада иштирок этган эди. Энди эса шу шаҳардаги «Дунё болалари» хайрия жамғармаси ташаббуси билан бир гуруҳ японияслик ёш рассомларнинг асарлари пойтахтимизга олиб келинди. Кўргазмага уларнинг асарлари билан бир қаторда бадиий академия оталиққа олган меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, республика болалар ижодиёти маркази ёш рассомлари, Академия тасарруфидаги бадиий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари чизган расмлар ҳам қўйилди.

Шу куни болаларнинг асфальтга расм чизиш бўйича мусобақаси ҳам бўлиб ўтди. Унда элликкa яқин кичкинтой ўз маҳоратини намойиш этди. Мусобақа якунига кўра Бадиий Академия лицейи ўқувчиси Иноможон Мамажонов биринчи ўринни эгаллади. Ўн ёшли Толик Филефга Япония «Дунё болалари» жамғармасининг махсус совринни топширилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коуичи Обата қатнашди.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

...Ҳар куни эрта биланоқ болангизнинг чехрасига разм соласиз; иштаҳаси яхши ва юз-кўзлари кулиб турган бўлса ўзингиз ҳам кун бўйи хотиржам ва хушчақчақ юрасиз, ишингизда унум ва барака бўлади. Чунки биласизки, хонадонингизнинг бахти, ҳаётингизнинг давоми — шу фарзанд билан.

Қачонки, бутун бир жамиятда ҳам болаларнинг соғлиги, яйраб-яшнаб улғайишлари учун шароитлар яратилар экан, демак бу — шу халқнинг улкан келажагидан далолатдир. Минг шукрки, бизнинг мустақил юртимизда бу нарса ҳамиша эътиборда. Сиз суратда кўриб турган болажонлар ҳам ўзларининг куй-қўшиқларида, чиройли рақсларида бахтиёр болаликни мадҳ этадилар, ўйинчоқ ўйнашгагина эмас, билим ва ҳунар олишга ҳам иштиёқ билдирадилар. Уларга қараб туриб дилингиз яйрайди ва беихтиёр айтасизки: Шу юртнинг бахтига доимо соғ бўлинглар, ўсиб-унинглар, улуғ инсонлар бўлиб етишинглар!

Даврон АҲМАД сурат-лавҳалари.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати кўрик-танловини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Икки йилда бир марта ўтказиладиган бу тадбирнинг меҳнаткашлар, айниқса ёшлар ўртасида санъатни ривожлантиришдаги ўрни беқиёсдир. Кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари чинакам санъат байрамига айланди.

Пойтахтнинг Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида ўтказилган якунловчи босқичида лауреатликка номзод ўн саккиз бадиий ҳаваскорлик жамоаси ва яккахон қўшиқчи ўз маҳоратини намойиш этди. Улар санъатнинг етти тури бўйича ўзаро мусобақалашди. Голиблар орасида «Ўзбекнаво» бирлашмаси Тошкент вилояти бўлимининг «Сарбон» дастаси ҳам бор.

Голиблар мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб ўтказиладиган республика қўшиқ байрамида иштирок этади.

ЎзА.

МАҲАЛЛА МАКТАБ БИЛАН...

БЕКОБОД шаҳридаги Муқимий маҳалласи билан Қодирий номли 11-мактаб ҳамкорлиги ҳақида кўп гапириш шарт эмас. Чунки, уларнинг биргаликдаги самарали ишлари ўтган йили «Мактаб, маҳалла, оила» деб аталган республика кўрик-танловида фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлган эди. Анъана давом этмоқда.

...Маҳалла тўйхонаси ҳар доимгидек гавжум. Бу ерга отахону онахонлар, ибратли оилалар, фаоллар, ўқитувчилар, шаҳар мактаблари, ҳокимлик, халқ таълими бўлими вакиллари йиғилишган. Бир томонда ўқувчилар томонидан тайёрланган буюмлар кўргазмаси, иккинчи томонда оила мавзуидаги энг яхши иншолар, энг яхши деворий газеталар, каштачилик, рассомчилик намуналари.

Анъанавий тадбирни Муқимий маҳалласи оқсоқоли Обиджон ҳожи Ҳожиматов очиб, оилалар мустаҳкамлиги, болалар тарбияси, мактабни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди. Тадбирнинг асосий ташкилотчиси, мактаб директорининг маънавият ва тарбиявий ишлар бўйича муовини Хосият Ҳамидова «Оилалар, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» мавзуида маъруза қилди.

Юқори синф ўқувчилари ижросидаги «Соғлом оилани вужудга келтириш», «Алла ^ кўнгил нидоси», «Оилада фарзанд тарбияси» каби мавзулардаги чиқишлар, айтишув ва насиҳатлар тўпланганларда катта тассурот қолдирди. Айниқса, «Оила — муқаддас ватан» деб номланган оилавий беллашув қизиқарли бўлди. Қодировлар, Ўталиевлар, Баратовлар, Мавлоновлар оилалари «Савол-жавоб», «Тезкор юмуш», «Фарзандларингизни биласизми?», «Бўш вақтингизда» каби шартлар бўйича ўзаро баҳслашдилар. Биринчи ўринни Ўталиевлар оиласи эгаллади. Голиблар муносиб тақдирландилар.

А. БОБОНАЗАРОВ,
А. АШУРОВ.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Халқимиз қанот қушни юксакка кўтаради, дейди. Давлатни, жамиятни-чи? Уларга маънавият қанот бағишлайди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, юксак маънавият — келажак пойдеворидир.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг «Маънавият» нашриёти «Юксак маънавият — келажак пойдевори» сарлавҳаси остида чоп этган рангли плакатлар туркуми ана шу ҳаётбахш ғоя билан йўғрилган.

«Растр» қўшма корхонаси томонидан юқори матбаа ижросида босилган бу плакатларда маънавиятнинг давлат ва жамият ҳаёти, иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ўрни кўрсатиб берилган. Суратларда маънавият ва иқтисод бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб ривожланиши акс этган.

Плакатларда истиқлол туфайли тикланаётган неча минг йиллик қадриятларимиз ва анъаналаримиз асосида ёшларда она Ватанга меҳр, миллий ғурур, тарихий меросга муҳаббат камол топиб бораётгани ифодаланган.

Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир. Плакатларда оила манфаатларини таъминлаш, унинг иқболи тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимиз, жамиятимиз диққат марказида экани тасвирланган.

(ЎзА).

МАНЗИЛЛАРНИ — МАНЗИЛЛАРГА БОҒЛАЙДИ

Мазкур давлат акционерлик бирлашмаси ва унга қарашли йўл хўжаликлари ходимлари мустақиллик йиллари ичида нафақат вилоят ҳудудидаги маҳаллий, балки, халқаро аҳамиятга молик йўлларни бунёд этишда қувончли самараларга эришдилар.

Айни пайтда йўлсозларнинг ўзларини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Махсус мухбиримиз яқинда «Тошавтойўл» бирлашмаси раиси Баҳром Ўролов билан суҳбатда бўлди.

Ислоҳот одимлари

— Баҳром Ҳабибуллаевич, кейинги йиллар мобайнида вилоят йўлсозлари амалга ошираётган ишлар кўлами кенгайганига қарамасдан, топшириқлар ортиғи билан бажарилмоқда. Айниқса, қишлоқларда янги йўллар барпо этишга, мавжудларини қайта таъмирлашга эътибор кучайди. Шу муносабат билан тармоқни бошқарувнинг ўзига хос томонлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Аввало, шуни айтиш керакки, ҳудудимизда йўл қурилиш ишлари республика ҳукумати ҳамда вилоят ҳокимлигининг қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириб бориш хусусидаги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бирлашма ва унинг қарамоғидаги йўл хўжаликларининг зиммасига умумий фойдаланишдаги 3675 километр автомобиль йўллари ва уларнинг таркибига кирувчи 634 погон метр кўприк, 7677 погон метр қувур ҳамда ўзимизга қарашли йўллардаги жиҳозлар, бошқа иншоотларга хизмат кўрсатиш вазифаси юклатилган. Бош мақсадимиз — кечаю-кундуз қатнаётган юк, йўловчи транспортлар ҳайдовчиларига қулайлик яратиш, уларнинг хавф-хатардан ҳолилигини, кўзланган манзилларга эсон-омон етиб олишлари учун йўлларни талаб даражасида бўлишини таъминлаш ҳамда янги-янги йўллар барпо этишдир.

Бу бирлашма таркибига кирувчи 15 та туман автомобиль йўллари, шунингдек, Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларида ихтисослашган ободончилик бошқармалари, пойтахтимиздаги йўл бирлашмаси, вилоят хўжаликларини таъминловчи-жамловчи ишлаб чиқариш таъминот бошқармаси ва халқаро аҳамиятдаги «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлини таъмирлаш мақсадида ташкил этилган «Махсусавтойўлтаъмир» трести жамоаларидан катта масъулият талаб қилади. Ана шу ташкилотларда фаолият кўрсатаётган 386 нафар муҳандис-техник, 1721 нафар ишчининг саъй-ҳаракатлари билан халқаро аҳамиятдаги 232 километр, давлат аҳамиятидаги 1993 километр, маҳаллий аҳамиятдаги 1950 километр йўл ҳамиша назоратда.

Бевосита бошқарувнинг ўзига хос томонлари хусусида шуни айтиш мумкинки, биз бирлашмага даҳлдор ҳар бир бошқарма, ташкилот, корхонада «Масъулият — муваффақият гарови», деган шиорни маҳкам ушлаганмиз. Фақат онгли, ўзига ва бошқаларга талабчан ходимлар раҳбар бўлган жойлардагина бу шарт тўғри ижро этилишини ҳисобга олиб, истиқлол йилларининг бошларидаёқ ана шу масалага жиддий эътибор берилди. Ўтган йиллардаги натижалар ходимлар танлашда янглишмаганлигимизни кўрсатмоқда. Турли ҳудудларда, мавжуд йўлларнинг турли қисмларида иш олиб бораётган соҳамиз мутахассислари, ишчи-хизматчилари учун ана шундай тартиб жуда муҳим эди. Барча жамоаларда йўлсознинг моддий манфаатдорлиги, имтиёзини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш йўлидаги эҳтиёжи ва талабларини бажаришда унинг ана шу шиор асосидаги ишга, ҳамкасбларига муносабати, албатта ҳисобга олинади.

Бошқармадаги иккинчи муҳим омил шахснинг қадрини доим юксак тутишдир. Ҳар бир тумандаги автойўл бошқармалари, шаҳарлардаги ташкилотлар бунга риоя этиб келмоқдалар. Зеро, инсон жамоада обрўси, қадр-қиммати борлигини юракдан ҳис этса, ўз сафдошларига, касбига меҳр қўяди. Шу катта оилада ўрни борлигидан фахрланади.

Ана шу маънода ходимнинг тўйларида, оғир кунларида бирга бўлиш, уни моддий қўллаб-қувватлаш, бир пиёла чой устида оиласи олдида унинг шаънига илиқ гаплар айтиш ҳар бир жамоада одат тусига кирган. Байрамларда, йўлсозларга даҳлдор айём кунларида илғорларни рағбатлантириш, айни пайтда, нафақадор ходимларимиз холидан хабардор бўлиб туриш каби омиллар ўзаро ҳурмат, оқибатни оширмоқда. Айни пайтда жамоаларда ишчи-хизматчилар коржомалар билан бепул таъминланмоқдалар. Уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида турли маҳсулотларни арзон нархларда сотиш ишлари йўлга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси ишимизда яхши натижаларга олиб келмоқда.

— Ана шу натижалар хусусида нималарни таъкидлаган бўлар эдингиз?

— Узоққа бормайлик, ўтган йилнинг ўзида бирлашма бўйича 162 километр умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари таъмирланди, жумладан, йўлларнинг аксарият қисми бетон, қора қоплама билан қопланди.

Вилоят ҳудудидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича 1833 дона йўл белгилари ўрнатилиб, 5426 дона эскирган йўл белгилари алмаштирилди. 760 погон метрли биринчи тоифали тўсиқлар, 6969 дона огоҳлантирувчи устунчалар ўрнатилди. 36 километр йўлларнинг қатнов қисми, 196 та жойдаги пиёдалар ўтиш йўлкалари бўёқ билан белгилаб чиқилди. 45 та автобекат қурилди. 186 та автобекат таъмирланди. Бундан ташқари, кўплаб транспорт тўхташ жойлари, пиёдалар йўлкаларида таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Ишчилар билан мулоқотлар чоғида йўлсозлардан айримлари халқаро аҳамиятдаги «Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг «Қамчиқ» довонида ҳам ишлаганликлари ҳақида гапириб қолишди...

— Ҳа, фахрли бу ишда йўлсозларимиз фидойилик кўрсатишди. Бу ерда ўтган йилнинг ўзида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. 2430 минг куб метр ер ва 1228 минг куб метр тоғ жинсларини портлатишда энг билимдон, касбини жон-дилдан севган кишилар фаол меҳнат қилдилар. Довоннинг вилоятдаги қисмида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 18350 погон метр темир-бетон биринчи тоифали тўсиқлар ўрнатилди. Улкан бунёдкорлик майдонида Неъматилла Нишонбоев, Тоҳир Ҳасанов, Йўлдош Аҳмадхонов раҳбарлигидаги Бўстонлиқ, Юқоричирчиқ, Паркент туманлари автойўл бошқармалари, Пўлат Абдураҳмонов бошчилик қилаётган «Махсусавтойўлтаъмир» трести ишчи-хизматчилари жонбозлик кўрсатдилар.

— Келгуси режалар қандай?

— 1998 йилда вилоят ҳокимлиги билан келишилган ва концерн томонидан тузилган режага биноан, бирлашма тузилмасидаги йўл хўжаликлари ҳамда жалб қилинган ташкилотлар кучи билан 2 миллион сўмликдан кўпроқ маблағ вилоят ҳудудидаги автомобиль йўлларида қайта тиклаш ишларининг бажарилишига сарфланади. Асосий маблағлардан анчагина қисми халқаро аҳамиятдаги Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг довонидаги 116-145 километрларни таъмирлаш учун ажратилган. Шунингдек, Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз автомобиль йўлида транспорт воситалари ва йўловчиларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда йўл минтақасини ободонлаштириш борасида катта тадбирлар амалга оширилади. 12 километр узунликдаги йўлга асфальтбетон қопламаси ётқизилади. Вилоят ҳудудида 250 километр узунликдаги автомобиль йўлларини талаб даражасига келтириш, кўплаб кўприклар, қувурларни созлаш режалаштирилган. Шунингдек, янги йўл белгиларини ўрнатиш, эскиларини алмаштириш, биринчи тоифали тўсиқлар, устунчалар ўрнатиш, кўплаб автобекатлар қуриш, борларини таъмирлаш каби ишлар ҳам амалга оширилади.

Йўлсозларимизнинг бутун куч-ғайрати, малакаси зиммамизда турган ана шу топшириқларни сифатли адо этишга қаратилган.

Суҳбатдош Саид ВАЛИЕВ.

ДИҚҚАТ, ГАЗ!

Рўзғорда газдан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Унинг асосий қоидаларини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Уларга амал қилиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади.

Уй-жойларни газлаштириш, газ анжомларини қайта ва қўшимча ўрнатиш ишларини фақат турар жой бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш билан шаҳар (туман) газ идоралари орқали амалга оширилади.

ДИҚҚАТ: газлаштирилган уй-жойларни, алоҳида газ анжомларини газ таъминоти тизимига ўзбошимчалик билан улаш қатъиян ман этилади.

Ностандарт ва носоз газ анжомларидан фойдаланиш, уловчи шлангларни ишлатиш қатъиян ман этилади. Ўзбошимчалик билан қилинган ҳатти-ҳаракатлар портлашларга, ёнғинларга, бахтсиз ҳодисаларга олиб келади.

Ёниб турган газ анжомларини ҳеч вақт қаровсиз қолдирманг. Авариялар оқибатида газ узатишни тўхтатиб қўйиш ҳоллари юз берганда хоналар газга тўлиб қолиши мумкин.

Ёш болаларни ва ўқитилмаган шахсларни газ анжомларидан фойдаланишга ҳеч вақт қўйманг.

Сув иситгичлар мўриларида уларни ишга туширишдан олдин ва тўхтатишдан кейин ҳаво тортишини текшириб кўришни унутманг.

Газ плитасидан фойдаланишда қуйидагиларни эсда сақланг:

— ёқилган гугурт горелкага тутилгандан кейин горелкани ёқиш мумкин;

— духовканинг горелкаси ўчганидан кейин уни қайта ёқиш олдидан духовкани синчиклаб шамоллатинг;

— плита устида кир куритманг.

Газли баллон қурилмасидан фойдаланишда босим регуляторини ва улаш шлангларининг созлиги устидан назорат қилинг. Газли баллонларни қонунсиз йўл билан сотиб олманг, чунки уларнинг фойдаланиш учун яроқлилигига кафолат бўлмайди. Баллонларни қуёш остида ва ўт манбалари яқинида сақламанг.

Кўп қаватли уйларда газли баллонларни сақлаш ва фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Газ ҳидини ҳис қилишингиз билан газ анжомлари олдидаги жўмракларнинг ва пастки жўмракларни беркитиб қўйинг, хонани шамоллатинг, электр включателларидан, оловдан фойдаланманг, дарҳол шаҳар ва туман газ идораларининг авария-диспетчерлик хизматига хабар қилинг.

Ишонамизки, газ анжомларидан хавфсиз фойдаланиш талабларига қатъий риоя этиш Сизнинг уйингизда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олади.

Ҳурматли фуқаролар!

Табиий ва суюлтирилган газдан фойдаланганлик учун ҳақни халқ банкининг туман ва шаҳар бўлинмаларига ҳамда алоқа узелларига ўз вақтида тўланг.

Қарз муддати бир ойдан ўтиб кетса уй-жой, хонадон газ таъминлаш тизимидан огоҳлантирмасдан узиб қўйилади.

«Тошвилоятгаз» бошқармаси.

ОЛАМ ХАФТА ИЧИДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

АНЪАНАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

ЎТГАН пайшанба куни Озарбайжон Республикаси ўз мустақиллигининг 80 йиллигини кенг нишонлади. 1918 йилнинг майида радио тўлқинлари ва рўзномалар Озарбайжон суверенитети тўғрисида хабарлар тарқатган эди. Аммо, 1920 йилнинг апрелига келиб, маълум тарихий воқеалар силсиласида республика бошқарувининг демократик тизимлари ўз аҳамиятини йўқотди. Мустақиллик қўлдан бой берилди.

1991 йилнинг ноябрида Озарбайжон мустақиллиги янги маъно кашф этди. «Суверенитет тўғрисидаги қонун», «Озарбайжон Республикаси давлат мустақиллигини қайта тиклаш тўғрисида»ги Декларация ва «Озарбайжон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Баёнотнома тасдиқлангач, Озарбайжон чинакам мустақил деб эълон қилинди.

Ўзбекистон билан Озарбайжонни муштарак тарихий илдизлар, бой тарихий анъаналар асрлар давомида бирлаштириб келди. Иқтисодий ҳамкорлигимиз ҳам узоқ йилларнинг ҳосиласи бўлди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган пахта териш, пахта ва пиллани қайта ишловчи техника ва ускуналар Озарбайжон халқ хўжалигида алоҳида ўрин тутди. Нефтчиларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳам тилга олса арзигулиқдир.

Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарининг янада мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил май ойидаги Бокуга қилган расмий ташрифи катта имкониятлар яратди. Орадан бир йил ўтиб, Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг жавоб ташрифи икки томонлама муносабатларнинг ривожида янги қадам бўлди.

Ўзбекистон ва жаҳон

Республикаларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий соҳалардаги борди-келдилар ҳар икки мамлакат халқлари томонидан ғоят маъқулланмоқда. 1997 йил сентябрь ойида Тошкентда ўтказилган «Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли ҳудуд» халқаро конференцияси ишида Озарбайжон делегацияси ҳам иштирок этди. Бундай ҳудуд барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

ТРАСЕКА дастури доирасида амалга оширилаётган Транскавказ транспорт йўлагини вужудга келтириш бўйича Ўзбекистон — Озарбайжон ҳамкорлиги ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Бундай йўналишнинг ишга туширилиши юкларни ташиш муддати ва транспорт ҳаражатларини уч марта камайтиради. Жиззахда фаолият кўрсатаётган ўзбек — озарбайжон қўшма корхонаси иссиқхоналар учун плёнка, пластмассадан тайёрланган кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда. Озарбайжон технологияси асосида газ-нефть жиҳозларини яратиш бўйича ташкил этиладиган Ўзбекистондаги қўшма корхона бутун Марказий Осиё минтақаси эҳтиёжини қондиради, деб тахмин қилинади. Айни пайтда Озарбайжонда ўзбек мутахассислари кўмагида электр двигателлари ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлашга ихтисослашган қўшма корхонани ташкил этиш режалаштирилмоқда. Боку — Тошкент йўналиши бўйича ҳаво қатновининг самарали йўлга қўйилиши ҳамкорлигимиз ривожи саҳифаларида янги имкониятлар очади. Фан, спорт, маданият соҳаларидаги дўстлик алоқалари ҳам тобора авж олмоқда.

Воқеалар тўлқинида

• ҲАФТА бошида Норвегия қироли Харольд-V рафиқаси Сони билан биргаликда Москвага сафар қилди. Россия Федерацияси олий даражадаги раҳбарлари билан бўлган мулоқотларда ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги поғонага кўтариш масалалари муҳокама этилди.

• ИНДОНЕЗИЯДАГИ ижтимоий инқирозга нуқта қўйилиб, мамлакат Президенти Сухарто истеъфога чиққанидан сўнг аҳвол ижобий томонга ўзгара бошлади. Халқаро валюта фонди ва бошқа молиявий банклар ушбу мамлакатга бериладиган йирик миқдордаги қарзларини қайта тиклашга қарор қилдилар.

• БУЮК Британия бош вазири Тони Блэр яқинда бўладиган Оврупо Иттифоқига аъзо давлатлар бошлиқлари саммитига тайёргарлик кўриш доирасида Испания ҳамда Ирландияга сафар қилиш ниятида эканлигини билдирди.

• ҲАФТА бошида Венгрияда НАТО-нинг ҳарбий машқлари ўтказилди. Балатон кўлидан 20 километр узоқликда бўлган мазкур машқларда 700 дан зиёд ҳарбийлар иштирок этдилар.

• ЖАНУБИЙ Кореяда автомобилсозлик ва оғир саноат ишчилари ўз маошларини ошириш ҳамда меҳнат шароитларини яхшилашни талаб қилиб, иш ташладилар. Ярим миллиондан зиёд ишчилар ўз шартларини амалга ошириш йўлида қатъийлик кўрсатмоқдалар.

КОМПАНИЯ СУДГА БЕРИЛДИ

«ҚАБАР» ахборот маҳкамасининг хабар беришича, яқинда Иссиққўлга қуйиладиган Барокон дарёси қирғоғида Канаданинг «Қумдор оперейтинг компани» компаниясига қарашли цианид натрий ташиётган юк машинаси фалокатга учраб, оқибатда заҳарли кимёвий моддалар дарё сувига қўшилиб кетган эди. Қирғизистон табиатни муҳофаза қилиш вазирлигининг таъкидлашича, барча хавф-хатар бартараф қилинган. Судга берилган Канада компаниясидан одамлар ва балиқларнинг заҳарланиши, табиатга етказилган зарар, шунингдек, йўқотилган фойда миқдори ундириб олиниши мумкин.

«ЦЗЯН-10» СИНОВДАН ЎТДИ

ХИТОЙ Халқ Республикаси тайёрасозлари Исроил билан биргаликда «Цзян-10» жангговар самолётини яратган эдилар. Куни кеча бу ҳаво кемаси синовдан ўтказилди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишига қараганда, янги қирувчи самолёт Хитой ҳарбий ҳаво кучларида 2005 йилдан бошлаб қўлланилиши мумкин. «Цзян-10» техникавий афзалликлари жиҳатидан аввал яратилган «Цзян-8» самолётидан анча устун туради.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

• РФ «Коинот-Ер» илмий-тадқиқот маркази бош директори академик С. Львов Озарбайжон Президенти Ҳ. Алиевга антиқа сертификат топширди. Унда айтилишича, коинотдаги юлдузлардан бири Озарбайжон Президенти номига қўйилибди.

• ҚОЗОҒИСТОНДА ғалати жанжал бошланди. Хитойдан келтирилган озиш учун мўлжалланган дориларнинг аслида гиёҳвандлик моддалари эканлиги аниқланди. Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари бир гуруҳ Хитой фуқароларини қўлга олдилар.

• 18 ЯШАР Санжип Чаттержи Ҳиндистоннинг Бихар шаҳрида истиқомат қилади. Айни кунларда унинг ғайри-табиий бир қилиғи олимларни таажжубга солмоқда. Гап шундаки, С. Чаттержи калтакесакларни тириклай ютиб, устидан бензин ичади. Маълум бўлишича, бу йигитча беш ёшидан бошлаб, шу зайлда яшаб келаётган экан.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 1

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
9.35 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Ўзбек киноси ижодкорлари.
10.40 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига «Олам нурга тўлаверсин!».
11.30 «Жаҳон спорти».
11.40 «Жараён».
12.05 Кундузги сеанс: «Мис тоғ бекаси». Бадиий фильм.
13.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
14.10—14.40 «Омад юлдузи». Телеўйин.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Болалар — гуллолалар».
18.45 «Олам ва одам».
19.05 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Парламент соати».
21.25 «Кўҳна замин тароналари». Экранда — Самарқанд вилояти.
22.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Илак толадан оптик толагача». Премьера.
22.25 Теннис. Челленжер турнири.
22.40 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
23.20 «Одамлар орасида».
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Телесериал.
19.05 «Химоя».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Олтин мерос».
21.10 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
21.55 «Бурч ва масъулият».
22.10 Мусиқий лаҳзалар.
22.20 «Юрган дарё».
22.40 «Даракчи» (рус тилида).
22.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 «Ёш Индиана Жонс хроникаси». Телесериал.
23.50—23.55 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси 17.20—20.40
*
20.40 «Сиз уларни танийсиз». Публицистик кўрсатув.
*
Россия давлат телевиденнеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ёвузлик исканжасида». Бадиий фильм.
23.15—23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.10 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Жаҳон».
20.15 «Чинор» видеоканали: «Умид».
«Айчурек».
20.55 Бож хирож.
21.10 Мусиқий танаффус.
21.15 «Ҳамкорлик».
21.35 Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига. «Юлдузча».
22.15 Кинематограф «Омад ҳамиша келавермайди».
23.25 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.45 «Спорт-тайм».
00.15—00.25 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 2

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ассалому аллайкум, азизларим!».
8.55 «Биржа ва банк хабарлари».
9.10 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Оҳангга тўлсин диёр». Мусиқий дастур.
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Она тили.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Математика.
*
12.05 «Олам ва одам».
12.25 «Ранглар жилоси».
12.40 Кундузги сеанс. «Қайнона». Бадиий фильм.
14.10—14.30 «Бола дунёни тебратар».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажвия, ҳангома.
18.35 «Биламиз-у, аммо...»
18.50 «Қалдирғочлар учиб келади». М. Абдуллажонова.
19.10 «Ислоҳот одимлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Миср мўъжизалари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Қўшиқла, ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.
21.30 «Акс-садо».
22.05 П. Қодиров. «Жон ширин». Видеофильм.
23.00 Теннис. Челленджер турнири.
23.15 «Вазият».
23.30 «Ахборот».
23.55—24.00 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 Ёвойи ҳайвонот олами.
19.10 «Онагинам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.15 «Болливудга нигоҳ».
20.30 «Ахборот».
21.00 Мусиқий лаҳзалар.
21.05 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Спорт қитъаси.
22.30 Кундалик.
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Кинонигоҳ.
00.45—00.50 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси 6.30—8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Абадият тимсоли». Телефильм.
*
Россия давлат телевиденнеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Таваллуд».
21.50 Лайза Минелли «Кабарэ» фильмида. 1-серия.
22.50—23.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун».
19.20 Минг бир маслаҳат.
19.35 Мусиқий лавҳа.
19.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.55, 21.55 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Мусиқий лавҳа».
20.50 «Очиқ дарс».
21.10 Ўйингоҳ.
21.25 Телефакт.
21.35 Хит-коллекция.
22.00 «Қувноқ кино».
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 3

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Дилрабо садолар». Мусиқий дастур.
8.50 «Ҳамкорлик ришталари».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Биология.
11.00 «Маърифат маскани».
*
11.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Фасли ёз».
11.30 «Акс-садо».
12.05 «Чемпион билан учрашув». Спорт дастури.
12.20 «Эл саломатлиги йўлида».
12.45 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 1-қисм.
13.30 «Зумраша». Ҳажвий киножурнал.
13.40 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.
14.10—14.30 «Маслак ва мақсад».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Нуқтаи назар».
18.45 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамблларининг концерти.
19.05 «Ўзбекистон ва жаҳон».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Ёшлар» телеканали
1. Мулоҳаза, мунозара, муносабат.
2. «Нима учун?»
3. «Кулги-терапия».
22.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
22.45 «Қонун ва биз».
23.20 Теннис. Челленжер турнири.
23.35 «Ахборот».
24.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 8-кўй.
00.40—00.45 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «ХХ аср жиноятлари». Телесериал.
19.05 «Дойче Велле» тақдим этади...
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тарона».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳудуд». Бўстонлиқ тумани.
21.30 «Келин-куёв». Телешоу.
22.20 «Даракчи».
22.30 Оҳанглар ва эълонлар.
22.45 Экранда — детектив.
24.00—00.05 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.40 Янгиликлар.
16.45 Болалар учун. «Эртакнамо чоршанба». Кинокўрсатув.
*
Россия жамоат телевиденнеси 6.30—8.00
* * *
17.25—20.40
*
20.40 «Бахтли болалик». Телекўрсатув.
*
Россия давлат телевиденнеси 21.00—21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Кабарэ». Бадиий фильм. 2-серия.
22.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
22.55—23.15 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.25 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Мусиқий дақиқалар».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Парвоз».
20.25 «Шифокор қабулида».
20.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.55 «Автосалтанат».
21.05 «Мезон».
21.25 «Нафосат гулшани».
21.55 «Дурдаршан».
22.30 Кинематограф «Қойилмақом жиноят».
23.55—00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 4

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Янгра, дутор, танбур». Мусиқий дастур.
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Адабиёт.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Абитуриентлар, Сизлар учун! Физика.
12.05 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
12.25 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
12.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
12.55 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 2-қисм.
13.40—14.00 «Дунё адабиёти». Г. Лорка.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Кўнгироқча».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистон бастакорлари». Қ. Комилов.
21.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...». Қизилқумнинг олтин тонги.
22.00 «Оила — маънавият бешиги».
22.30 Теннис. Челленджер турнири.
22.45 «Мулк ва муносабат».
23.00 «Ахборот».
23.25 «Сомон йўли». Маърифий-дунёвий кўрсатувлар мажмуаси
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Жажжи давра». Болалар учун концерт.
18.30 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.45 «Катта танаффус». Телеўйин.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бир жуфт қўшиқ».
20.05 «Табобат оламида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Мумтоз наволар».
21.45 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
22.30 «Олис ва яқин Ҳиндистон».
22.50 «Даракчи» (рус тилида).
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Оилавий экран.
00.30—00.35 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.15 Янгиликлар.
*
Россия жамоат телевиденнеси 6.30—8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Гўзал пари». Дам олиш дастури.
*
Россия давлат телевиденнеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Ихтиро-98».
21.50 «Мутахассис». Бадиий фильм. Бош ролда — Сильвестр Сталлонэ.
23.30 «Теннис-клуб».
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 «Суҳбатдош».
19.25 «7 дан 70 гача».
19.40 «02» тўлқинида.
19.55, 22.05 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Ҳамшаҳарлар».
21.05 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.35 «Каталог».
21.45 «Ҳаммаси мода ҳақида».
22.10 «Киносалон».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Ёш хонандалар концерти.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Уч қирол жанги». Телевизион бадиий фильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти».
10.30 Абитуриентлар, сизлар учун! Кимё.
11.00 Немис тили.
11.30 «Камолот».
11.50 «Қора қўён». Мультфильм.
12.05 «Харита». Халқаро шарҳ.
12.20 «Жаҳон театри».
12.35 Кундузги сеанс. «Ҳаворанг атиргул». Бадиий фильм.
13.40 «Оламни асранг».
14.10—14.40 «Созга солдим Алпомишни...»
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳикматнома».
18.25 «Фермер». Телетанлов.
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Етти иқлим садоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 21.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Омонлик тилаймиз».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Маърифатнома».
21.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни...». «Тупроғинг бебаҳо Ватан».
22.00 «Ёр васфи». Мусиқий дастур.
22.25 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 9-кўй.
23.05 Теннис. Челленджер турнири.
23.20 «Турки қавмлар».
23.35 «Ахборот».
«Мунаввар дунё» дам олиш дастури
24.00 «Азиз сиймолар».
00.20 Бадиий фильм.
01.45—01.50 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...».
18.35 «ХХ аснинг улуғ жумбоқлари». Телесериал.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.20 Доира зарби.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Хуш келибсиз!».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳар лаҳзада қўшиқ». Қўшиқ ҳусусида.
21.25 «Саҳрои кабир сири». Телесериал.
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва эълонлар.
22.40 Саргузашт фильмлар экрани.
23.20 Бокс. Бокс. Бокс.
23.40—23.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.50 Киноафиша.
16.55 Янгиликлар.
17.00 Болалар учун «Бинафша».
*
Россия жамоат телевиденнеси 6.30—8.00
* * *
17.20—20.40
*
20.40 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий кўрсатув.
*
Россия давлат телевиденнеси 21.00—21.35
*
21.35 Эълонлар.
21.40 «Телешифокор».
21.50 Оскар совриндорлари: «Бенгал суворийлари» (1937 й.). Бадиий фильм.
23.50—00.10 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.20 Эълонлар.
19.10 «Морена Клара». Телесериал.
19.55 «Таъзим».
20.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.30 «Бегойим».
20.55 «Дурдаршан».
21.25 «Бу бўстон аро».
21.50 Араб эстрадаси.
22.25 Кинематограф. «Ҳаёт учун хавфли».
23.55—24.00 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 «Зиёрат».
9.10 Болалар учун. «Яшил чироқ». Телемусобақа.
9.50 «Шоҳрўх» клуби.
10.10 «Ёшлар» телеканали
1. «Сиз ва биз».
2. «Йигит омон бўлса».
3. «Мен билган, билмаган дунё».
4. «Шу Ватанга бордир менинг керагим».
5. «Очиқ дарс».
12.10 «Умр мазмуни».
12.30 «Ватан, мадҳингни куйлайман». Мусиқий дастур.
12.50 «Оила ва жамият».
13.15 «Катта танаффус». Телевизион ўйин.
13.55 «Телевидение ва томошабин».
14.25—14.55 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Фламинго». Кинокўрсатув.
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 20.55, 21.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Оқшом эртаклари».
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ҳамма кўриши шарт... эмас».
21.55 Спорт дастури
1. Теннис. Челленжер турнири.
2. Футбол тарихи.
*
22.30 «Келин-куёв». Телешоу.
23.20 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури
23.45 «Куй ва тасвир».
00.05 «Оилавий бизнес». Бадиий фильм.
01.45—01.50 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Боланинг тили».
8.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Яна ўша Насриддин». 1-қисм.
9.05 «Янги ой чиққан кеча».
9.20 «Яхши дам олинг».
9.35 Спорт қитъаси.
10.05 «Лавжой». Телесериал.
10.55 «Мафтункор чеҳралар».
11.55 Болалар экрани.
13.00 «Жозиба».
13.15 «Муҳаббат тарихи». «Орзулар трамвайи». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
14.25 «Шарқ тароналари».
14.40 «Меҳри дарё: Сойиб Хўжаев».
15.25 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
16.10 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
16.40 Бокс. Бокс. Бокс.
17.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
17.45 «Ерилтош». Мульттўплам.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «У ким? Бу нима?».
18.30 Спорт қитъаси.
19.00 «Дилбарим».
19.20 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Гулдаста».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Даллас». Телесериал.
21.45 «ТВ ва театр».
22.05 «Хонадонингизга осойишталик тилаймиз».
22.35 «Даракчи».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.00 Кинонигоҳ.
00.40—00.45 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

16.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
*
Россия жамоат телевиденнеси 17.15—20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Дўст кулфатда билинади». Бадиий фильм (Чехия).
22.00 «Сиз учун». Дам олиш дастури.
22.35 «Теннис-клуб».
22.55—23.05 «Гўзаллик оламида». Телефильм.

IV

10.00 «Рақслар қанотида».
10.25 Эълонлар.
10.30 «Шанба эртаги».
11.40—12.10 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили ҳамма учун)
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Авторейд.
19.15 «Далил ва шарҳ».
19.30 «Спектаклдан сўнг».
19.55, 21.45 Эълонлар.
20.00 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
20.45 «Чинсэн».
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.25 Хит-коллекция.
21.50 Киносалон.
23.10 Спорт-марказ.
23.40—24.00 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ёшлар» телеканали
1. «Ватанимга хизмат қиламан».
2. «Талабалик йилларим».
3. «Маҳорат».
4. «Билим-ринг».
12.20 «Санъат олами».
12.40 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
13.20 «Мунаввар даргоҳ».
13.40 «Қарсак». Мусиқий телешоу.
14.20 «Эл севган адиб». Шуҳрат.
15.20—16.00 Усмирлар учун. «Нурли келажак».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.50 «Ўзспортлотто».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Дам олиш дастури.
21.55 «Телевизион миниатюралар театри».
22.30 ТВ-I намойиш этади. Телеанонс.
22.40 Спорт дастури
1. Спорт, спорт, спорт.
2. Футбол тарихи.
3. Футбол майдонларида.
4. Теннис. Челленджер турнири.
«Аср мўъжизаси» кинодастури
23.40 Кино янгиликлари.
23.55 Жаҳон киноси юлдузлари.
00.15 «Шарқий экспрессдаги қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.
01.25—01.30 Ватан тимсоллари.

II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
8.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Яна ўша Насриддин». 2-қисм.
9.10 «Сир».
9.25 «Нозик мўъжиза».
9.35 Саргузашт фильмлар экрани.
10.15 «Дойче Велле» тақдим этади...
10.35 «Лавжой». Телесериал.
11.25 «Кўл жанги санъати».
11.40 Дилнавоз садолар.
11.50 Болалар экрани.
*
«ЯКШАНБАДА ЯХШИ ДАМ» ДАСТУРИ
12.50 Кўрсатувлар дастури.
12.55 Хорижий эстрада. «АВВА».
13.20 «Муҳаббат тарихи: орзулар трамвайи». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.25 Интер-футбол.
15.10 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
15.55 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
16.15 «Жосуслар». Ҳужжатли сериал.
16.45 «Мультипанорама».
17.15 «Санта-Барбара». Телесериал.
*
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Сўвости дўнёсига саёҳат».
18.40 «Буш ўтирма».
19.00 «Нафосат».
19.10 Келгуси ҳафтада.
20.00, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Кенгга — кенг дунё».
20.20 Оҳанглар ва эълонлар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Қалб таронаси».
22.35 Миллионлар ўйини.
22.55 Якшанба кинозали.
00.10—00.15 Тунингиз хайрли бўлсин!

III

17.30 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.35 «Цирк, цирк, цирк».
*
Россия жамоат телевиденнеси 18.05—23.40
*
23.40 Эълонлар.
23.45—00.15 «Таҳлилнома» (рус тилида).

IV

9.00 «Хайрли тонг!».
9.30 «Парле ву франсэ?».
9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.45 Клип.
11.55 Эълонлар.
12.00 Киносалон.
13.30 Телефакт.
13.40 «Ҳаммаси мода ҳақида».
14.00 «Ракурс». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30 «Жонли сайёра».
14.50 Клип антракт.
15.00 Кундузги сеанс.
16.40 Клип антракт.
16.50—17.10 «Сенинг вақтинг».
*
17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кобра». Телесериал.
19.45 Клип-антракт.
19.55 «Бугунги кун мавзуси».
20.10 «Хайрли оқшом».
20.40 «Мус

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан

ҚАДРДОННИ ЙЎҚЛАГАН — ҚАДР ТОПАДИ

ЯҚИНДА Чимкент вилоятининг Сайрам қишлоғига бориб келдим. Бу ерда 106 ёшга кирган табаррук ва мўътабар инсон, жуда кўплаб тарихий воқеаларга шоҳид бўлган, қатағонга учраб отилиб кетган 20—30 йиллар қурбонлари билан ошно бўлган, уларнинг кўплари билан дўст тутинган, тарихнинг тирик шоҳидларидан бири Абдулҳаким ота Абдураҳмон ўғли истиқомат қилади. Камина бу киши билан 40 йилдан ортиқ дўст тутинишган.

Шундай қилиб, мен бу табаррук отахоннинг хонадонларида бўлиб, у кишининг қўлларида бор бўлган ўша 20- ва 30-йилларда дарж этилган ноёб китоб ва журналларнинг мавжудлари билан танишдим.

Мана, қўлимда муқовалари йиртилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган, саҳифалари сарғайиб кетган, 20-йилларнинг бошларида чоп этилган «Билим ўчоғи» журналининг икки сони. Биринчиси, 1922 йил сентябрида ва иккинчи қўшма сони (2—3) 1923 йилда «Туркпечат» орқали Тошкентда дарж этилган.

Журналда ўзбек халқининг ўткир тилшунос ва адабиётшуноси, шарқшуноси ва луғатшуноси профессор Ғози Олим Юнусов томонидан 1922 йилда атоқли бахшилар — Ҳамроқул бахши ва Фозил жиров Йўлдош ўғли тилидан ёзиб олинган маънавий бойлигимиз бўлмиш «Алпомиш»нинг ўта ноёб ва қипчоқ шеваларида қўйланиб келган энг биринчи варианти ўрин олган. Ушбу ноёб достон варианти профессорнинг «Олпомиш» достонига муқаддима» номли сўз бошиси билан бошланади. Достон тўлалигича мазкур журналнинг 1923 йил, 2—3 қўшма сонида дарж этилган.

Профессор Ғози Олим ўз сўз бошисида ушбу достоннинг ёзиб олиниши, руҳияти, тили ва мундарижаси ҳақида лўнда қилиб шундай дейди: «Менинг томонимдан ёзилғон «Олпомиш» достонига Алпомиш ботирнинг бошидан ўтган бутун воқеалар кирадур. Мен бу достонни ўзбек оқинлари оғзидан ёзғонда эшитилганича ёзишға ва воқеаларида ҳеч бир лавҳани, ҳатто айрим таъбирларни қолдирмасға тиришдим. Бундан мақсадим, шул маҳаллалардаги (Самарқанд ва Тошкент уезларидаги) ўзбекларнинг лавҳаларини қайд қилмоқ ва воқеаларни тўлалиғича сақламоқ эди».

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, атоқли турколог олим томонидан ёзиб олинган «Алпомиш»нинг ушбу варианти ўзбек фольклористикасида шу соҳада биринчи яратилган маънавий бойлигимиз эканлигини унутмайлик. Ушбу ботирлик ва қаҳрамонлик эпосининг талайгина вариантлари мавжуд бўлиб, улар туркий халқларнинг оғзаки адабиётида қўйланиб келинган.

Таваллудининг 1000 йиллиги нишонланаётган ўзбекнинг ушбу ботирлик ва қаҳрамонлик достони «Алпомиш» ўзбек фольклористикаси тарихида қипчоқ шевасида, аслича биринчи марта ўзбекнинг фидойи туркшуноси Ғози Олим томонидан ёзма адабиётга кўчирилган ва бу соҳада инқилоб ясалган. Қўлимизда мавжуд бўлган ва шу кунгача ўқиб, ўрганиб келаётганимиз «Алпомиш» эса асосан **шоир Ҳамид Олимжон** томонидан ёзиб олинган вариантдир. Қатағон бўлиб «миллатчи», «ўтмишга қайтувчи», «панисломчи» каби рукнлар остида отилиб кетган профессор Ғози Олимнинг варианти мазкур журнал саҳифасида қолиб кета берди, элимиздан яшириб келинди. Ваҳоланки, ушбу вариант ёзиб олувчи таъкидлаганидек, тўла ва атрофлича, лавҳаларга бой ҳолда саҳв этилган. Бу нарса профессор А. Диваев томонидан ёзиб олинган, қорақалпоқлар орасида қўйланган вариантидан кескин фарқ қилади.

Бир сўз билан айтганда, профессор Ғози Олим варианти Самарқанд шеваларининг талаффуз қўламида айнан, қандай айтилса ўшандайлигича ёзиб олингандир. **Ҳатто достон таркибидаги кўпчилик сўзлар икки, уч хил шаклда талаффуз этилган бўлса ҳам, улар бир хил қолипга солинмасдан, ўшандайлигича ҳар хил вариант — шаклда берилган.** Чунончи, **«Алпомиш-Олпомиш-Олпамиш», «халқ-холқ-қалқ», «хонқон-хан», «жой-ёй», «яхши-ёхши», «бахши-боқши»** каби.

Биз ҳам «Алпомиш»нинг ушбу вариантини тил хусусиятлари жиҳатидан профессор қандай ёзиб олган бўлса, ўшандайлигича, тўла ҳолда араб имлосидан ҳозирги имлога ағдардик. Ўйлаймизки, бу нарса минг йиллардан буён қўйланиб келинган маънавиятимизнинг сарчашмаси тил хусусиятларини, анъана ва урфларимизни тарихан тўғри идрок этишимизга катта кўмак беради.

Қуйида ушбу ботирлик достони «Алпомиш»нинг **Ғози Олим** томонидан ёзиб олинган нусҳасидан бир парчани ҳукмингизга ҳавола этамиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Тошкент Кимё технологияси институтининг кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор.

ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕБАҲО МУЛКИ

«Алпомиш» достони халқимизнинг орзу ва армонлари — мардлик, жасурлик, дўстга садоқат, севги ва вафо каби юксак ғояларни баланд оҳангларда куйлаган бебаҳо мулкидир. Куни кеча Бўка туманидаги маданият саройида «Алпомиш» достонининг минг йиллиги олдидан «Мардликни шарафлаган халқнинг достони» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Бу анжуманда туман маданият бўлими мудири, шоир Рустам Худойқуловнинг «Эл севган достон», 16-ўрта мактаб ўқитувчиси Холидахон Валиеванинг «Мардликни шарафлаган халқнинг достони» мавзуидаги маърузалари, шунингдек, республика бахшилар қўригининг совриндори Чори бахшининг «Алпомиш» достонидан куйлаган парчалари йиғилганлар қалбида илиқ таассурот қолдирди.

Анжуман сўнгтида маданият саройи бадиий ҳаваскорлари достондан саҳна кўринишларини ижро этишди.

СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

БАРЧИНОЙДИНГ ОЛПОМИШҚА ЁЗҒОН ҚАТИ:

Олти ойчилиқ йўлға келдим, қолмоқтинг элига келдим, тўқсон олибда топтолашда қолдим. Мендин умиди бўлса Олпомиш келсин, келмаса жувобимни берсин.

Бу қотин ўн чобарға тобуш қилди, бу ўн чобар кун тун қистаб журиб олти ойчилиқ жўлди, уч ойда босуб Қўнғирот элига жетиб келди. Жигитлар Олпомишдинг эшигига бориб бир сўз дегани:

Бедов отни жажра чўлда желамиз,
Осл зотимиз Олқор элидан келамиз,
Бойсарининг қизматкори бўламиз,
Арза қоғоз қўлимизда келамиз,
Ўрдасида Олпон агар бормикан,
Шул қоғозди Олпомишга берамиз.

Олпомиш бу сўзни эшитиб, уйдин чиғоди, жигитлар қоғозни Олпонға беради. Олпомиш қоғозни ўқуб кўриб жигитларга қораб бир сўз деди:

Ўлмаган қул кўрар қишнинг ёзини,
Машкар жугуртар қуш ман тозини,
«Бермайман!» деб журувчи эди
Бойсари бой қизини,
Энди маған нега опкелдинг сўзини...
Энди маған олиб кесанг сўзини,
Кўғалдошға бера берсин қизини.
Бизим журтти тошлаб Олқорға кетди,
Қорға жесин энди унинг ғўштини,
Мусофир бўб бизга ойтибди сўзини!..

Олпомиш Барчинди олмас бўб жавобин берди, ўн чобар қойтуб, Олқорға кетти. Олпомиш қойтиб ўрдасиға кирганда Қолдирғоч, туури келиб Олпомишнинг қўлидоғи қатин кўрди: «Бу нендай қат экан?» деб олиб ўқуб, Барчин жигасининг ҳолиндан хабардор бўлди. Қолдирғоч: «Бу хатни ким олиб келди?» деб сўради. Олпомиш: «Ўн чопар олиб келган эди, мен бормаймен!» деб жавоб бериб жўнаттим. Қочиб кетган бир Барчин учун, бошимни балоға солиб жураменми?» деди. Қолдирғоч ойим, оғасидайин бу сўзни эшитиб, очуланиб, оғасиға бир сўз деди:

Қолдирғоч:

— Март Олпомиш оға мунда келсангчи,
Қолдирғочнинг бир сўзи бор кўрсангчи,
«Эркакман» деб юрубсан журтингда,
Бошингдоғи тўпинг манға берсангчи!
Ўз ёрингдан кўрқуб юрсанг Қўнғиротда,
Савутингни мен устима кияйин,
Човкар отинг мен устига минайин,
Жонбошима олтин қилич байлайин,
Жигит бўлиб менам ўтдек чайнайин,
Олқор элга отди миниб жўнайин,
Олти ойлиқчилиқ олқор элга борайин,
Тўқсон олпга мен қирғинни солайин,
Барчин женгам ажратиб олайин,
Сен ёрингдан қўрқуб юрсанг бу ерда,
Барчинойди опкеб саған берайин,
Олсанг олдинг Барчиндайин жингамди,
Оёл бўлсанг сени эрга берайин,
Қўнғирот элида подшо бўлиб ётайин,
Мўйнингдоғи силкиллайди мунчоғинг,
Кўрқоқ бўлсанг эртиб борғин ўртоғинг!!!

Бу сўзни эшитиб Олпомиш оҳ урди. Қирқ жигитин «бери кел» деб чоқирди. «Тез менга от анжом тайёрланг. Мен Олқорға кетамен!» деди. Бойбўрининг жилқисида Олпомиш билан бир кунда тувған бир човкар от бор эди. Оти «Бой-чубор» эди. Бойбўрининг Қўлтой деган қадрдон жилқибоғари бор эди. Қўлтой чол Човкарнинг асл от бўлғонин билиб, Ҳакимбекка отаб, боқуб жўрар эди. Ҳакимбекнинг узоқ сафарга жўнайтурғонин билиб Қўлтой Бойчўбарни эгарлаб олиб келди. **Олпомиш Бойчубарға миниб, Қолдирғочқа** қораб бир сўз деди:

— От чопқонда кўринади қадрвош,
Жиласанг чиқади кўздан қонли ёш,
Мисофир бўб олқор элига кетаман,
Мен келгунча омон бўғин Қолдирғоч!
Муллалар ўқийди давд қаламди,
Ичимда жорайин менам аламди,
Олқор элига мисофир бўб бораман,
Бойбўри ман қон бекага салом де,
Мен бўмасам ким силайди бошингди,
Суға солиб ўргил энди сочингди,
Олти ойда олқор элдан келмасам
Мисофир бўб эсиз оғам ўлди, деб,
Кўздан тўккин санам қора яшингди,
Олти ойда қўнғирот элдан келмасам,
Энам кийсин меним қоро кўйлагим,
Отам берсин журтқа меним ошимди!
Қолдирғоч:
— Ўзим ўлмай дуйим пирга бош урдим,
Дунёмди жеб туриб борин шош урдим,
Дунёни тутқасиз жоротқон худо.
Отингдан ўргилай ҳасти Умар-а,
Жолғизимди жор бўб қўллар кунингди,
Ойнаминан оқ жузимди кўраман,
Сўғо солиб қоро сочим ўраман,
Бир эмчакдан сут эмгансан жолғизим,
Энди қачон сени тири кўраман?
Отқа урасан қўлда тилло қамчингди,
Мусофир бўб кўргил Олқор дошини
Мусофир бўб кўрсанг Олқор дошини,
Бир қудоға мен топширдим бошингди,
Муллоликдан мен сўйлайман хатимди,
Қудойим қўлласин Човкар отингди.
Эсон, омон Қўнғирот элига келағол,
Қачон сенинг оқ юзингни кўрарман
Сен келгунча мен соғиниб ўларман,
Эсон, омон қойтиб келсанг Қўнғиротға,
Қирқ кун тўйинг, ўн кун кўкмар берарман!

Олпомишқа Қодирғочи сўйлари, Олпомиш ҳам Олқор элига жўнади. Шул жўл жургандан Олпомиш олти кун, олти тун юрди, олти кунда Олпомиш йўлдан одошти, отни бошин қибла ёққа бурди, йўлда ётқон ғариб гўристонга қўнди, шул куни Олпомиш шу жерда жонди, номоз ўқуб талават қурон қилди, ул мозорнинг остида чилтанларнинг ғори бор экан, ул чилтанлар Олпомишнинг келганини билиб, бир-бирига қораб сўйлашди:

Чилтан боши: —
Қирқ чилтанлар бери бери келинглар,
Бир маслаҳат сўз айтайин кўринглар,
Қўнғирот элидан Олпон меҳмон бўлубди,
Олуб мунда мажлиска келинглар!
Чилтанлардан бири: —
Ул Олпомиш бу ерларга келмайди,
Гелган билан бу мажлиска бўлмайди,
Ул Олпомиш ҳаром сутни кўб эмган,
Келса бизим мажлисимиз бўлмайди,
Чилтан боши: —
Ҳаром бўлса танасини қўйинглар.
Жонин олиб бу мажлиска келинглар!

Алпомишдинг ҳалол жони келади, қирқ чилтанлар қўлга коса беради, чилтанларнинг ҳеж мажлиси қизмади, берган коса билан Олпон ичмади. Олти ойчилиқ ердан Барчин жонини, қирқ чилтанлар олиб мунда келади, коса тўлдириб Барчинойға беради, Барчинойим косани қўлиға олиб, юз ноз билан Олпомишқа сўйлади:

Барчин руҳи:
— Каса бердим қўлум толиб,
Ҳар касага шароб солуб,
Узотдим коса буролуб,
Олинг, алла ёр, алла ёр:
Коса ушлаб қўлум толди,
Бек бобомнинг шунқор ули
Хон тўрам сизга на бўлди?
Олинг, алла ёр, алла ёр.
Коса берганда ойимча,
Жафо қилди тўқсон кача,
Олиб ичингиз бекбача,
Олинг, алла ёр, алла ёр,
Боғда очилар гулгумчалар,
Гилга ярашар ғимчалар.
Коса берган ойимчалар,
Олиб ичинг бекбаччалар,
Олинг, алла ёр, алла ёр!
Алпомиш руҳи:
— Кеганинг гулгун қирмизи,
Ақлни олар жоду кўзи,
Арзим эшит, бединг қизи,
Санинг кўнглунг бизда бўлса,
Қўнғирот элидан қолмоқ элига,
Келмак, алла ёр, алла ёр,
Санинг берган шаробингди,
Олмам алла ёр, алла ёр,
Манки қолмоқ элига боруб,
Қолмоқ элига қирғин солуб,
Шул кун шаробингни олуб,
Шунгачайин бейдинг қизи,
Саннинг берган шаробингни
Ичмам, алла ёр, алла ёр!
Тор хинали назик белинг,
Қучмам, алла ёр, алла ёр!

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

Ўтган душанба куни Паркент туманидаги барча мактабларда сўнгги қўнғироқ чалинди.

Ҳар сафаргидек тумандаги «Бойқозон» ширкатлар уюшмаси раҳбарлари ўз оталиқларидаги 2, 10, 30, 31- ўрта мактабларга ташриф буюриб, йилнинг энг яхши ўқитувчиларини мукофотлашди. Жумладан, илғор муаллимлардан 4 нафарига биттадан «Семурғ» телевизори тухфа қилинди. 4-ўрта мактабнинг пешқадам ўқитувчиси Саттор Ашуровга ҳам телевизор тақдим этилди. Мактабни таъмирлаш учун эса 150 минг сўм ажратилди.

«Бойқозон»ликларнинг бу ҳиммати тумандаги маорифчиларни ғоятда мамнун этди.

Жалолиддин АБДИЕВ,
«Паркент тонги» газетаси ходими.

РАҚС МАЛИКАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонасида машҳур раққоса, педагог ва хореограф, ўзбек рақс санъатини жаҳонга танитган «Баҳор» ансамблининг асосчиси Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 85 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

Кўргазма тўрт бўлимдан иборат бўлиб, унда намойиш этилаётган экспонатлар моҳир раққосанинг фаолияти ва ижодий изланишлари тўғрисида ҳикоя қилади. Санъатшунос олимларнинг рақс маликаси ҳақидаги китобларига кенг ўрин берилган. Кўргазмада Мукаррама Турғунбоева музейининг нодир экспонатлари, жумладан, турли йилларда олинган хилма-хил суратлар, шахсий ҳужжатлар, совринлар ҳам намойиш этилмоқда.

(ЎзА).

ОБ — ҲАВО



Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар беришларича 30 майдан 3 июнгача бўлган давр мобайнида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Момақалдироқ пайтида баъзи ерларда шамол кучайиб, унинг тезлиги секундига 15-20 метргача етади.

Шу даврнинг бошларида ҳарорат кечалари, 12-17, кундуз кунлари 25-30 даража, кейинчалик ёғингарчиликлар тўхтаб, кечалари 15-20, кундуз кунлари 28-33 даража иссиқ бўлади.

Учинчи Тошкент савдо—саноат ЯРМАРКАСИ

ТОШКЕНТ САВДО-САНОАТ ЯРМАРКАСИ

ТОШКЕНТДАГИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА 15 ИЮНДАН 19 ИЮНГАЧА БЎЛИБ ЎТАДИ

Унинг ташкилотчилари - Тошкент шаҳар ҳокимлиги Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Тошкент Халқаро Бизнес-Маркази.

Кўп тармоқли ярмаркада иштирок этишга Ўзбекистон барча минтақалари ва шаҳарлари, ҳориждаги корхоналар таклиф этиладилар.

Ярмаркада шаҳар корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, хом ашё материаллари, инвестиция лойиҳалари, "Ноу-Хау" илмий ишланмалари бўш ишлаб чиқариш майдонлари, машина-ускуналар ва омборхоналардан биргаликда фойдаланиш бўйича таклифлар, қурилиши тугалланмаган объектлар, кўчмас мулк намойиш этилади.

Ярмаркада намойиш этиладиган маҳсулотлар билан танишиш учун барча манфаатдор тузилмалар, ҳоридик ва жисмоний шахслар таклиф этиладилар.

Агар Сизни бизнинг таклифимиз қизиқтириб қолган бўлса ва Сиз Учинчи Тошкент савдо-саноат ярмаркасида иштирок этиш ниятида бўлсангиз, қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат этишингизни илтимос қиламиз:

Тел.: (371) 133-27-07, 136-33-31, (3712) 54-04-87, 55-56-33. Факс: (3712) 55-15-57.

Сергели тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатга олинган «Safuraov» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар 1 ой муддат ичида 90-85-56 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтоҳур туманидаги «Хўжазода АБН» хусусий фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Янгийўл туманидаги 35-ўрта мактаб томонидан 1991 йилда Темурбоев Ботир Абдуғаффорович номига берилган А—484873 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдируву лардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Порошкина Алёна.* Адади 12.344 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00.